Pearson BTEC

Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража

# Ахборот технологиялари саводхонлиги

соҳасида бўйича

Гувоҳнома

## Ўқитувчи Ресурслари

**1-нашр**



**Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари**

Edexcel, BTEC ва LCCI малакалари бутун дунёда тажрибадан ўтган ва тан олинган, академик ва касбий малака тақдим этадиган малака бериш бўйича Буюк Британияда энг йирик ташкилот ҳисобланадиган Pearson томонидан берилади. Қўшимча маълумот олиш учун qualifications.pearson.com сайтимизга ташриф буюринг. Бундан ташқари, сиз qualifications.pearson.com/contactus саҳифасида биз билан боғланиш учун берилган тўлиқ маълумотлардан фойланган ҳолда ҳам боғланишингиз мумкин.

**Pearson ҳақида**

Pearson – 70 дан ортиқ давлатда 35 000 дан зиёд ходимга эга бўлган, ўқитиш орқали инсонларнинг ҳаётида сезиларли ўсишга эришишни таъминлаш мақсадида барча ёшдаги одамларга ёрдам кўрсатиш устида ғайрат билан ишлаётган дунёдаги лидер ўқитиш берувчи компания. Ўқувчилар компания манфаатларининг ва унга йўналтирилган ҳаракатларнинг маркази ҳисобланади, чунки ўқитиш тизимининг ривожланиши умуман инсонларга ижобий таъсир этади. Биз сизга ва ўқувчиларингизга қандай ёрдам беришимиз мумкинлиги тўғрисида qualification.pearson.com. сайти орқали кўпроқ билиб олишингиз мумкин.

*Ушбу матнда келтирилган ташқи материалларга ҳаволалар ишончли ҳисобланади. Pearson ўзгартириш мумкин бўлган материалларнинг мазмуни ёки ҳар қандай билдирилган фикрларни маъқулламайди, тасдиқламайди ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. (Материал дарсликлар, журналлар, бошқа нашрлар ва веб-саҳифаларни ўз ичига олиши мумкин).*

*Мазкур ҳужжатдаги барча маълумот нашр этиш вақтига ҳақиқий ҳисобланади.*

ISBN 978 1 446 96407 1

Ушбу нашрдаги барча материаллар
© Pearson Education Limited 2020 нинг мулки ҳисобланади

# Мундарижа


**Кириш** **1**

**1-модул: AT асослари** **3**

Ўқув қўлланма 3

Иш схемаси 9

Дарс режаси 19

**2-модул: Матнларни қайта ишлаш** **37**

Ўқув қўлланма 37

Иш схемаси 41

Дарс режаси 49

**3-модул: Электрон жадваллар** **67**

Ўқув қўлланма 67

Иш схемаси 71

Дарс режаси 79

**4-модул: Тақдимот дастурий таъминоти** **97**

Ўқув қўлланма 97

Иш схемаси 101

Дарс режаси 109

# Кириш

Ушбу буклет касбий кўникмалар соҳасида BTEC Ўзбекистон 3-даража Ахборот технологиялари соҳаси бўйича Гувоҳнома қўшимча ҳисобланади. Спецификация нима бўйича дарс бериш ва нимани баҳолаш зарурлиги ҳақида маълумот беради. Ушбу буклетда буларни қандай бажаришга нисбатан таклиф ва ғояларни топишингиз мумкин.

Ушбу буклет сизга ўқитиш ва ўрганиш, шу билан бирга амалий машғулотлар, реал сценарийлар, иш берувчиларни таълим жараёнига жалб қилиш усуллари ва мустақил ўқитишни бошқариш ҳамда баҳолаш усуллари учун ғоя беради. Буклет шунингдек, специфика ўз ичига олган маълумотлар амалиётда қандай ишлашини кўрсатади ва малака оширишнинг турли хил усуллари ҳақида фикр юритишингизга ундайди.

Ушбу буклет қуйидагиларни тақдим этади:

- модулларни малакага қандай олиб кириш тўғрисида қўлланма
- модулларни малакага тақдим этишни қўллаб-қувватлаш учун тавсия этилган ресурслар
- малакалар бўйича барча модулларда қамраб олинадиган мавзу, машқлар ва баҳоларни кўрсатувчи иш схемаси
- модулнинг ичидаги маълумотларни қамраб олиш учун дарсларни қандай ўтказиш тўғрисида батафсил қўлланмага эга.

Ушбу ресурсли буклетдаги маълумотлар малакалар учун материалларни яратишга жалб этилган ҳамда BTEC малакаларини тақдим этишнинг янги ва қизиқарли усулларини излаш муаммоларини тушунувчи ўқитувчилар томонидан тузилган.

Ушбу буклетда келтирилган Ўқув қўлланмада малакаларни тақдим этишни режалаштиришда нималарни инобатга олиш зарурлиги ҳақида маълумотлар мавжуд, шу билан бирга:

- сизнинг малакангиз тузилмаси;
- ўқувчиларингиз учун малакаларни қандай белгилаб беришингиз мумкинлиги;
- тегишли иш берувчилар билан қандай боғланишингиз мумкинлиги тўғрисида таклифлар;
- бошқа қўллаб-қувватлаш ва ресурслар ҳақида маълумот.

Биз сизга индивидуал қўлланма тақдим этмоқдамиз. У ўқув мақсадларига ва Модул таркибига бўлган ёндашувлар ҳақида таклифларни ҳамда қизиқарли ва турли хил машғулотлар учун ғояларни ўз ичига олади. Сиз шунингдек, ўз топшириқ ва вазифаларингизни қандай режалаштириш ва бажариш тўғрисида маслаҳатлар ва ғояларни топишингиз мумкин.

Биз ҳар бир Модул учун диққат билан саралаб олинган ресурслар рўйхатини киритдик. Ушбу ресурслар рўйхатига ўқувчиларингиз фойдаланиши учун ва/ёки ўзингиз ўқитишда қўшимча материал сифатида фойдаланишингиз мумкин бўлган китоблар, веб-сайтлар ва видеолар киритилган.

# 1-модул: АТ асослари

## Ўқув қўлланма

### Модул билан танишиш

Ушбу бўлимнинг мақсади, ўқувчиларнинг иш жойларида компьютердан самарали фойдаланишлари учун зарур кўникмаларини ривожлантиришдан иборат.

**A** ўқитиш мақсади веб-саҳифаларни кўриш учун дастурий таъминотни қўллашдан иборат. Ўқувчилар ушбу соҳада бирон-бир тажрибага эга бўлишлари мумкин ва уларнинг нималар ҳақида тушунчага эгаликлари тўғрисида билиш фойдали бўлар эди. Масалан, уларнинг кўпчилиги ўзларининг мобил қурилмаларида Chrome ёки Safari сингари интернет-браузерларидан фойдаланадилар. Ушбу малаканинг АТ (ахборот технологиялари)ни ишда қўллашга йўналтирилганлиги боис, Windows операцион тизимли компьютер ёки ноутбукдаги браузер дастурий таъминотидан фойдаланиш кўникмалари билан танишиб чиққан бўлишлари лозим. Браузер учун дастурий таъминотни танлаш сертификатлаштириш марказига боғлиқ, лекин Chrome – ШК (шахсий компьютер) учун энг машхур браузер эканлигини ёдда тутиш керак. Бу ўқитишнинг амалий мақсади бўлиб, унда дарснинг кўп қисми браузернинг турли хил функцияларини намойиш этишга ажратилади, кейин компьютерда ишлаш, билим ва кўникмаларини ривожлантириш учун амалий топшириқлар бажарилади.

**B** ўқитиш мақсадига эришиш учун ўқувчилар электрон почтадан фойдаланишда бирон бир тажрибага эга бўлишлари мумкин, шунинг учун улар нималарни билишларини аниқлаш муҳим. Электрон почта функциялари ва воситаларини кўриб чиқиш, ишда фойдаланиш контекстида амалга оширилиши лозим. Ўқувчиларга амалий топшириқларни ечиш учун шахсий электрон почта манзили керак бўлади. Бепул электрон почта аккаунтини яратишга имкон берувчи бир қатор провайдерлар (Gmail, Yahoo!, Hotmail ва ҳ.к.) мавжуд.

**C** ўқитиш мақсади кўп жиҳатдан назарий ҳисобланади, бироқ, АТ-хавфсизлик муҳим мавзулардан бири ва ўқувчилар буни англашлари лозим. Бирон-бир тадқиқот ўтказилиши талаб этилиши мумкин, чунки АТ-хавфсизлик – тез ўзгарувчи соҳа ва янгидан-янги хатарларни ўрганиш талаб этилиши мумкин.

**D** ўқитиш мақсади – ўқувчилар ўзларининг кўникмаларини файл ва папкаларни бошқаришда ривожлантириш имкониятига эга бўлишлари мумкин бўлган яна битта амалий мақсаддир. Ушбу мавзу кейинги бўлимлар билан чамбарчас боғлиқ, у ерда ўқувчилар матнларни, электрон жадвалларни ва презентация файлларини қайта ишлашлари учун папкаларни ташкиллаштиришлари зарур. Ушбу кўникмалардан шунингдек, модулни баҳолаш учун маълумотлар файлларини ташкил этишда фойдаланилади.

 © Pearson Education Limited 2020

## Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

| **1-модул: АТ асослари** |
|---|
| **Кириш**<br><br>Кўплаб корхоналар – ҳам йирик, ҳам кичик корхоналар компьютерлардан кенг фойдаланадилар, шунинг учун АТ билан ишлаш кўникмаси ходимлар учун мажбурий ҳисобланади. Ходимлар Интернетнинг излаш тизимлари ва электрон почта каби кучли воситалардан самарали фойдаланиш, шунингдек, ўзларининг файл ва папкаларини самарали ташкиллаштиришни билишлари лозим. Бироқ, АТ дан фойдаланиш хавф-хатардан холи эмас ва ходимлар хавфсизликка таҳдидлар ва компания тизимларини ҳимоя қилиш учун қўллашлари мумкин бўлган усуллар ҳақида тушунчага эга бўлишлари лозим. |
| **А ўқитиш мақсади – Интернетдан маълумотни қидириш ва бошқариш учун фойдаланиш** |
| • Ўқувчилар интернет-қидирувни бизнес-контекстда қандай қўллаш мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўришлари лозим. Шунингдек, ўқувчилар қидирувнинг пулли ва оддий натижалари ўртасидаги фарқни тушунишлари муҳим.<br>• Интернетда излаш тизимларидан фойдаланишнинг эҳтимолли камчиликлари ҳақида бирон бир муҳокама қилиш фойдали бўлади (натижаларнинг жуда кўплиги, натижаларнинг долзарб эмаслиги ва ҳ.к.), чунки бу ўқувчиларга нега излашнинг кенгайтирилган имкониятларидан фойдаланиш фойдали эканлигини тушунишларида ёрдам беради.<br>• Ўқувчиларга бизнес билан боғлиқ маълумотларни излашига бир қатор реал талабларни тақдим этиш, уларнинг кўникмаларини амалиётда қўллашга ёрдам беради. |

| **B ўқитиш мақсади – Маълумотни узатиш учун электрон почтадан фойдаланиш** |
| --- |
| • **A** ўқитиш мақсадидаги ҳолат сингари электрон почтадан иш мақсадида фойдаланиш нима эканлигини, масалан, ходимлар, мижозлар ва етказиб берувчилар билан мулоқот, ҳужжатларни жўнатиш, манфаатдор шахсларга реклама материалларини (масалан, ахборот бюллетенларини) жўнатиш учун ўқувчилар билан муҳокама қилиш фойдали.<br>• Электрон почтанинг иш ахлоқи ҳақида эслатиб ўтиш даркор. Масалан, номақбул реклама материалларини (спам) жўнатиш номақбул амалиёт ҳисобланади. Эҳтимол, шунингдек, электрон иш хатини қандай тўғри тузишни муҳокама қилиш ҳам фойдали бўлиши мумкин.<br>• Бизнес билан боғлиқ электрон почтанинг бирон бир реал сценарийсини тақдим этиш ўқувчиларнинг тегишли кўникмаларини ривожлантиришда ёрдам беради. Ўқувчилар жуфт бўлиб ёки кичик гуруҳларда ишлаши мумкин бўлган сценарийларни топиш, эҳтимол, бир-бирларига электрон хат юбориш ёки қабул қилиш, учрашув ёки тадбирлар ташкиллаштириш имкониятларини берган ҳолда яхши ишлашлари мумкин. |
| **C ўқитиш мақсади – Ахборот технологияларидан фойдаланиш вақтида, қандай қилиб хавфсиз бўлишни билиш** |
| • Ўқувчилар Интернетда ишлаш билан боғлиқ хавфсизликка тахдидларни ва бу ҳам иш, ҳам шахсий фойдаланиш учун таалуқли эканлигини тушунишлари муҳим.<br>• Кейс-стади томонидан хавфсизлик бузилишларининг реал мисолларини тақдим этилиши, ўқувчиларга хавфсизлик таҳдидларининг алоҳида фойдаланувчилар ва бизнес-фойдаланувчиларга қандай таъсир ва зарар кўрсатишини тушунишларига ёрдам беради. Интернетда топиш мумкин бўлган кўплаб мисоллар мавжуд (ресурслар бўлимини қаранг), ўқувчиларнинг ўзлари ҳам фишинг, вируслар ва ҳ.к. уринишлар билан тўқнаш келган бирон бир шахсий тажрибага эга.<br>• Ушбу ўқитиш мақсади бошқалари билан, айниқса **B** ўқитиш мақсади билан кўп ҳолларда ўхшаш, чунки электрон почта фишинг хабарлар, илова ва ҳаволалар каби таҳдидлар манбаи бўлиши мумкин, шунинг учун ўқувчилар электрон почтадан фойдаланганларида ушбу хатарларни аниқлашга ўқитилишлари керак. Мазкур ўқитиш мақсади шунингдек, **A** ўқитиш мақсадининг Интернетдан файлларни юклаб олиш ҳақидаги маълумотлари билан боғлиқ, чунки ўқувчилар ҳар қандай файлни юклаб олишдан аввал унинг ичидаги маълумотлар мавжудлигига ишонч ҳосил қилишлари лозим. |

| D ўқитиш мақсади – Файл ва папкаларни бошқариш |
| --- |
| • Файл ва папкаларни бошқариш АТ соҳасида базавий кўникма ҳисобланади, лекин ўқувчилар файлларнинг салмоқли номларидан қандай фойдаланишни ва ўз ишини ташкиллаштиришлари учун папкалар тузилмасини яратишни билишлари муҳим.<br>• Бошқа ўқитиш мақсадлари сингари ушбу мақсад ҳам бизнесда файл ва папкаларни тўғри бошқариш ва улардан фойдаланишдан, масалан, папкаларни мижозлар ёки сана (йил ёки ой) бўйича ташкиллаштиришдан иборат.<br>• Ушбу Модул асосан амалий кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ўқувчиларга жорий ва бошқа модуллар учун шахсий файлларни сақлаш учун папкалар тузилмасини яратишни таклиф этган ҳолда уни бошқа модуллар билан биргаликда ўқитиш мумкин. |

## BTECнинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Ушбу Модулнинг бошқа модулларга мазкур малака бўйича ҳаволалари мавжуд:

- 2-модул: Матнларни қайта ишлаш;
- 3-модул: Электрон жадваллар;
- 4-модул: Тақдимот дастурий таъминоти.

## Ресурслар

### Веб-сайтлар

https://support.google.com/a/users/answer/9310143?hl=en

Chromeдан фойдаланиш бўйича Google ўқув марказининг қўлланмаси

https://support.google.com/a/users/answer/9259748?visit_id=636980000638984256-1883354918&hl=en&rd=1

Gmailдан фойдаланиш бўйича Google ўқув марказининг қўлланмаси

https://support.microsoft.com/en-gb/help/30055/windows-10-surface-book-microsoft-edge-quick-start-guides

Windows 10 ва Microsoft Edge Browser учун қўлланма

https://support.office.com/ru-ru/article/%d0%9f%d0%be%d0%bb%d1%83%d1%87%d0%b5%d0%bd%d0%b8%d0%b5-%d1%81%d0%bf%d1%80%d0%b0%d0%b2%d0%ba%d0%b8-%d0%bf%d0%be-outlook-com-40676ad0-c831-45ac-a023-5be633be798d?omkt=ru-RU&ui=ru-RU&rs=ru-RU&ad=RU

Microsoft Outlook бўйича қўлланма

https://www.lifewire.com/fundamental-email-etiquette-1171187

Электрон почта ахлоқи бўйича қўлланма

https://www.cisco.com/c/en/us/products/security/what-is-information-security-infosec.html

Cisco ахборот хавфсизлиги бўйича қўлланмаси

https://www.cisco.com/c/en/us/products/security/what-is-cybersecurity.html

Cisco киберхавфсизлик бўйича қўлланмаси

https://www.pcworld.com/article/2999412/9-ways-to-keep-your-windows-computer-safe.html

Компьютерларнинг ҳимояси ҳақида мақола

https://support.microsoft.com/en-us/help/4092060/windows-keep-your-computer-secure-at-home

Компьютерларни хавфсизлигини таъминлаш бўйича Microsoftдан тавсиялар

https://uk.norton.com/norton-blog/2016/02/the_8_most_famousco.html

Баъзи бир энг машхур компьютер вируслари ҳақида мақола.

https://www.foxbusiness.com/features/the-worst-cyber-attacks-of-the-past-10-years

Энг ёмон киберхужумлар ҳақида мақола.

https://www.ezcomputersolutions.com/blog/best-practices-organizing-business-files/

Иш файллари папкаларини ташкиллаштириш ҳақида мақола

*«Pearson» ҳар қандай ташқи интернет-сайтлари ичидаги маълумотлар учун жавобгар эмас. Ўқитувчилар ҳар бир веб-сайтни уларни синфда қўллашдан олдин URL-манзили аввалгидек тўғри, долзарб ва ўринлилигига ишонч ҳосил қилишлари учун олдиндан кўриб чиқишлари муҳим. Биз ўқитувчиларга фойдали веб-сайтларни белгилаб қўйишни ва мактаб/колледж Интернети орқали уларга ўқувчиларнинг кириши учун рухсат беришни таклиф этамиз.*

# Иш схемаси

| | |
|---|---|
| **Модул** | Модул: АТ асослари |
| **Ўқув соатлари** | 25 |
| **Дарслар сони** | 10 |
| **Дарсларнинг давомийлиги** | 2,5 соат |
| **Бошқа модулларга ҳаволалар** | 2-модул: Матнларни қайта ишлаш<br>3-модул: Электрон жадваллар<br>4-модул: Тақдимот дастурий таъминоти |

| **Ўқитиш учун калитлар** | | | |
|---|---|---|---|
| **БМ** | Баҳолаш машқлари | **ММ** | Материалларни мустаҳкамлаш |
| **ТЭС** | Таклиф этилган спикер | **Т** | Ташриф |
| **МЎ** | Мустақил ўқитиш | **ИТ** | Иш тажрибаси |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 1 | А1 Браузер дастурий таъминоти | МЎ | • **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** бўлим билан танишинг, компьютер тизимларидан фойдаланиш ва муаммолар ҳақида муҳокамани бошланг.<br>• **Сўров:** АТ билан ишлашнинг асосий кўникмалари ҳақида – ўқувчиларда мавжуд билимларни текшириш имконияти.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/тақдимот:** Дарс мақсадларини белгиланг.<br>• **Ўқитувчи томонидан ишни намойиш этиш:** браузердан қандай фойдаланишни кўрсатиш.<br>• **Амалий сессия:** ўқувчилар браузердан, тарихидан фойдаланадилар, қўшимча ойналар ва cookie файлларини созлайдилар ва бошқариш кўникмаларини қайта ишлайдилар.<br>• **Якун:** дарс хулосаларини чиқаринг ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «Саволлар ва жавоблар» машқидан фойдаланинг. | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Модулнинг спецификацияси;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Сўров учун саволлар;<br>• Амалий сессия учун ўқувчиларнинг машқлари;<br>• Гуруҳлардаги машқлар. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 2 | А2 Интернетда маълумот излаш<br>А3 Интернетдан маълумот юклаб олиш ва ташкиллаштириш | МЎ | • **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/тақдимот:** аввалги дарс хулосаларини чиқаринг ва Интернетдан маълумот излаш, юклаб олиш ва ташкиллаштириш усулларини муҳокама қилинг.<br>• **Ўқитувчи томонидан ишни намойиш этиш:** излаш тизимларидан қандай фойдаланишни кўрсатинг.<br>• **Амалий сессия:** ўқувчилар излаш тизимлари, натижаларни фильтрлаш ва кенгайтирилган излашдан фойдаланиш кўникмаларини қайта ишлайдилар.<br>• **Ўқитувчи томонидан ишни намойиш этиш:** Интернетдан маълумотни қандай юклаб олиш ва ташкиллаштиришни кўрсатиш.<br>• **Амалий сессия:** ўқувчилар Интернетдан маълумотни юклаб олиш ва ташкиллаштириш кўникмаларини қайта ишлайдилар.<br>• **Якун:** дарс хулосасини чиқаринг, амалий машғулот давомида муаммолар йўқлигига текширинг ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «Саволлар ва жавоблар» машқидан фойдаланинг. | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Амалий сессия учун ўқувчиларнинг машқлари. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 3 | B1 Электрон хатларни тайёрлаш ва юбориш<br>B2 Электрон почтани бошқариш | МЎ | • **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/тақдимот:** мавзуни тақдим этиш ва дастлабки билимларни текшириш учун «Саволлар ва жавоблар» машқидан фойдаланиш.<br>• **Ўқитувчи томонидан ишни намойиш этиш:** электрон хатларни қандай юбориш ва қабул қилишни кўрсатиш.<br>• **Амалий сессия:** ўқувчилар электрон хатларни юбориш ва қабул қилиш кўникмаларини қайта ишлайдилар.<br>• **Ўқитувчи томонидан ишни намойиш этиш:** электрон почта билан қандай ишлашни кўрсатиш.<br>• **Жуфликда бажариладиган/кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар электрон почта билан боғлиқ топшириқларни бажарадилар.<br>• **Якун:** дарс хулосаларини чиқаринг, амалий машғулот вақтида муаммо юзага келмаганлигини текширинг ва ўқитишларни мустаҳкамлаш учун «Саволлар ва жавоблар» машқидан фойдаланинг. | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Амалий сессия учун ўқувчиларнинг машқлари;<br>• Гуруҳлардаги машқлар. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **4** | В3 Электрон почта воситаларидан фойдаланиш | МЎ | • **Ўқитувчи тақдимоти:** аввалги дарс хулосаларини чиқаринг ва тушунганликни текшириш учун «Савол ва жавоб» машқидан фойдаланинг.<br>• **Ўқитувчи томонидан ишни намойиш этиш:** имзолар, «Офисдан ташқарида» жавоби ва жўнатмалар рўйхатини ўз ичга олган электрон почта воситаларидан қандай фойдаланишни кўрсатиш.<br>• **Амалий сессия:** ўқувчилар электрон почта воситаларидан фойдаланиб, кўникмаларини машқ қиладилар.<br>• **Амалий сессия:** ўқувчилар А ва В ўқитиш мақсадлари учун баҳолаш бўйича амалий топшириқни бажаришга ҳаракат қиладилар.<br>• **Якун:** дарс хулосаларини чиқаринг, амалий машғулот давомида муаммолар юзага келмаганлигини текширинг ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «Саволлар ва жавоблар» машқидан фойдаланинг. | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Амалий сессия учун ўқувчиларнинг машқлари;<br>• Амалиётни баҳолаш учун материаллар. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 5 | C1 Ахборот хавфсизлигини таʼминлаш | МЎ | • **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/тақдимот:** мавзуни тақдим этинг ва дастлабки билимларни текшириш учун «Савол ва жавоб» машқидан фойдаланинг.<br>• **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимоти:** ахборот хавфсизлиги нима эканлигини ва у нима учун муҳимлигини тушунтиринг.<br>• **Жуфликда бажариладиган/кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар ахборот хавфсизлигини қўллаб-қувватлашда ёрдам берувчи бошқарув тамойиллари тўпламини ишлаб чиқиб ўз гуруҳларида ишлайдилар.<br>• **Якун:** амалий машқдаги қайта алоқа; дарс хулосаларини чиқаринг ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «Саволлар ва жавоблар» машқидан фойдаланинг. | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Ахборот хавфсизлиги бўйича тақдимот слайди;<br>• Амалий сессия учун ўқувчиларнинг машқлари;<br>• Гуруҳлардаги машқлар. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **6** | C2 АТ хавфсизлиги таҳдидлари<br>Хавфсизликда онлайн қолинг | МЎ | • **Ўқитувчи тақдимоти:** аввалги дарс хулосаларини чиқаринг ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «Савол ва жавоб» машқидан фойдаланинг.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ахборот хавфсизлигига умумий таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш усуллари.<br>• **Жуфликда бажариладиган/кичик гуруҳларда машқлар:** кичик гуруҳлар хавфсизлик таҳдидларини ёки яқинда содир бўлган хавфсизлик бузилишини тадқиқ этадилар.<br>• **Ўқитувчи тақдимоти:** ҳар бир кичик гуруҳ синфга ўзларининг хулосаларини тақдим этадилар.<br>• **Якун:** дарс хулосаларини чиқаринг ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «Савол ва жавоб» машқидан фойдаланинг. | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Ахборот хавфсизлиги бўйича тақдимот слайди;<br>• Гуруҳлардаги машқлар. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **7** | D1 Файл ва папкаларни излаш | МЎ | • **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/тақдимот:** мавзуни тақдим этинг ва дастлабки билимларни текшириш учун «Савол ва жавоб» машқидан фойдаланинг.<br>• **Сўров:** аввалги мавзу бўйича (С ўқитиш мақсади).<br>• **Ўқитувчи томонидан ишни намойиш этиш**: файл/папкаларни турли хил усулда қандай акс эттиришни ва файллар қидирувини қандай амалга оширишни кўрсатинг.<br>• **Амалий сессия:** ўқувчилар файл ва папкаларни излаш кўникмаларини қайта ишлайдилар.<br>• **Материални мустаҳкамлаш:** 2 ва 3 баҳолаш Вазифасини (**А** ўқитиш мақсади) бажариш бўйича амалий топшириқ.<br>• **Якун:** дарс хулосаларини чиқаринг ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «Савол ва жавоб» машқидан фойдаланинг. | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Сўров учун саволлар;<br>• Амалий сессия учун ўқувчиларнинг машқлари;<br>• Амалий баҳолаш топшириқлари. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| 8 | D2 Файл ва папкаларни ташкиллаштириш<br><br>**А** ва **D** ўқитиш мақсадларини баҳолаш | МЎ БМ | • **Ўқитувчи тақдимоти:** аввалги дарс хулосаларини чиқаринг ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «Савол ва жавоб» машқидан фойдаланинг.<br>• **Ўқитувчи томонидан ишни намойиш этиш:** файл ва папкаларни қандай ташкиллаштиришни кўрсатиш. Баҳолашга тайёргарликда экранни қандай расмга олиш ва уни ҳужжатга қўйишни намойиш этинг.<br>• **Амалий сессия:** ўқувчилар файл ва папкаларни ташкил этиш, шунингдек экран суратини олиш ва жойлаштириш кўникмаларини ишлайдилар.<br>• **Якун:** дарс хулосаларини чиқаринг, ўқувчиларнинг материалларни ўзлаштирганликларини текшириш учун «Савол ва жавоб» машқидан фойдаланинг.<br>• **Ёзма топшириқ:** ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтаридан фойдаланиб 1, 2 ва 3-Вазифаларни бажаришлари лозим. | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Амалий сессия учун ўқувчиларнинг машқлари;<br>• Баҳолаш учун иш дафтари. |

| # | Мавзу | Дарс тури | Таклиф этиладиган машқлар | Ресурслар |
|---|---|---|---|---|
| **9** | **B** ўқитиш мақсадини баҳолаш | БМ | • **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** топшириқни тасаввур қилинг (Баҳолаш учун иш дафтарини қаранг).<br>• **Ёзма топшириқ:** ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтаридан фойдаланиб 4-Вазифани бажаришлари лозим. | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Баҳолаш учун иш дафтари. |
| **10** | **C** ва **D** ўқитиш мақсадларини баҳолаш | БМ | • **Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама:** топшириқни тасаввур қилинг (Баҳолаш учун иш дафтарини қаранг).<br>• **Ёзма топшириқ:** ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтаридан фойдаланиб 5 ва 6-вазифаларни бажаришлари лозим.<br>• **Муҳокама:** Модул шарҳи ва баҳолаш бўйича қайта алоқа. | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Баҳолаш учун иш дафтари. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Ахборот технологиялари соҳаси бўйича Гувоҳнома |
| **Модул** | 1-модул: АТ асослари |
| **Дарс рақами** | 1 (2.5 соат) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Дарс охирида ўқувчилар:<br>• мазкур Модул учун тузилма ва баҳолашнинг ишлашини;<br>• веб-браузердан фойдаланиш қандай амалга оширилишини тушунадилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Интернетга уланган компьютерлар.<br>• Проектор ёки интерактив доска.<br>• Модулнинг спецификацияси.<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт.<br>• Сўров учун саволлар |
| Калитлар: **МР**: машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: тақдимот слайди; **БМ**: баҳолаш машқлари | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Модулга кириш<br><br>(30 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти**: Модулга кириш.<br>• **Сўров**: ўқувчиларнинг тажрибасини текшириш учун АТ асосий кўникмалари ҳақида сўров.<br>• **Ўқувчилар учун «С ва Ж» машқи**: ўқувчилар томонидан компьютер тизимларидан фойдаланиш тажрибаси.<br>• Ўқитувчи бошчилигидаги муҳокама/тақдимот: дарс мақсадларини баён қилиш. |
| Асосий машқ – браузердан фойдаланиш<br><br>(110 дақиқа) | • **Ўқитувчи ишини намойиш этиш**: браузер, «Олдинга» (Вперед) ва «Орқага» (Назад) тугмалари, янги қўшимча ойналарни очиш, бош саҳифани созлаш, браузер тарихини кўриб чиқиш, паролларни бошқариш, қалқиб чиқадиган ойналар ва cookie файлларидан фойдаланишни кўрсатиш.<br>• **Амалий вазифа:** ўқувчилар бир қатор қисқа топшириқларни бажариб, браузердан фойдаланиш кўникмаларини қайта ишлайдилар.<br>• **Қайта алоқа**: амалий машқлар давомида ҳар қандай мавзу, муаммолар ёки саволлар ҳақида юзага келувчи фикрлар. |
| Якуний машқ<br><br>(10 дақиқа) | • **Якуний сессия**: ўқитувчи дарсда белгиланган ўқитишнинг асосий бандларини мустаҳкамлайди. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Ахборот технологиялари соҳаси бўйича Гувоҳнома |
| **Модул** | 1-модул: АТ асослари |
| **Дарс рақами** | 2 (2.5 соат) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Дарс охирида ўқувчилар:<br>• Интернетда маълумот қидириш ва натижаларни фильтрлашни;<br>• Интернетдан маълумотни юклаб олиш ва уни тизимлаштиришни ўрганадилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Интернетга уланган компьютерлар.<br>• Проектор ёки интерактив доска.<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт.<br>• Амалий машғулот учун **МР**.<br>• Гуруҳлардаги **МР**. |
| Калитлар: **МР**: машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: тақдимот слайди; **БМ**: баҳолаш машқлари | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Кириш<br>(15 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** аввалги сессияни умумлаштириш ва ушбу сессиянинг мақсад ва вазифаларини тақдим этиш.<br>• **Ўқувчилар учун машқлар**: аввалги сессия бўйича ва ушбу сессия мақсадлари ҳақида «С ва Ж» машқи. |
| Асосий машқ – интернетнинг излаш тизимларидан фойдаланиш<br>(120 дақиқа) | • **Ўқитувчи ишини намойиш этиш**: пулли ва оддий натижаларни аниқлаб, базавий излаш учун излаш тизимларидан (масалан, Google) қандай фойдаланишни кўрсатиш. Натижаларни фильтрлаш учун параметрлардан, шунингдек, излашнинг кенгайтирилган функцияларидан қандай фойдаланишни кўрсатинг.<br>• **Амалий вазифа:** ўқувчилар бир қатор қисқа машғулотлардан сўнг Интернетда маълумот излаш кўникмаларини қайта ишлайдилар.<br>• **Ўқитувчи ишини намойиш этиш**: Интенетдан маълумотни қандай юклаб олиш ва тизимлаштиришни кўрсатиш.<br>• **Амалий вазифа:** ўқувчилар бир қатор қисқа машқлардан сўнг Интернетдан маълумотларни юклаб олиш ва ташкиллаштириш кўникмаларини амалда қўллайдилар.<br>• **Қайта алоқа**: амалий фаолият давомида юзага келадиган ҳар қандай мавзулар, муаммолар ва саволлар бўйича қайта алоқа. |
| Якуний машқ<br>(15 дақиқа) | • **Якуний сессия**: ўқитувчи дарс вақтида аниқланган асосий бандларни мустаҳкамлаб қўяди ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «С ва Ж» машқидан фойдаланади. |

 © Pearson Education Limited 2020

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даражасоҳасжида АТ-саводхонлиги |
| **Модул** | 1-модул: АТ асослари |
| **Дарс рақами** | 3 (2.5 соат) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Дарс охирида ўқувчилар:<br>• электрон хатларни юбориш ва қабул қилишни;<br>• электрон почтани бошқаришни ўрганадилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Амалий машғулот учун МР;<br>• Гуруҳлардаги МР**;** |
| Калитлар: **МР**: машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: тақдимот слайди; **БМ**: баҳолаш машқлари | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Кириш<br>(15 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** аввалги сессияни умумлаштириш ва ушбу сессиянинг мақсад ва вазифаларини тақдим этиш.<br>• **Ўқувчилар учун машқлар**: аввалги сессия бўйича ва ушбу сессия мақсадлари ҳақида «С ва Ж» машқи. |
| Асосий машқлар<br>(120 дақиқа) | • **Ўқитувчи томонидан ишни намойиш этиш**: Электрон хатни қандай тайёрлаш, мавзу сатрини қўшиш, қабул қилиб олувчиларни танлаш, матнни киритиш ва форматлаш, TO (кимга):, CC (нусха): ва BCC (яширин нусха) дан фойдаланиш, файлларни қандай бириктиришни билиш, барча хатларга жавоб қайтариш ва иловаларни юклаб олиш.<br>• **Амалий вазифа:** ўқувчилар бир қатор қисқа машқлардан фойдаланиб электрон хатларни юбориш кўникмаларини қайта ишлайдилар.<br>• **Ўқитувчи томонидан ишни намойиш этиш**: электрон почта папкаларидан қандай фойдаланиш, электрон хатларни ўчириш ва қайта тиклаш, муҳим хабарларни белгилаб қўйиш, электрон хатларни қидиришни кўрсатиш.<br>• **Жуфликда бажариладиган/кичик гуруҳларда машқлар:** кичик гуруҳларда ёки жуфтликларда ишлаб, ўқувчилар электрон почтадан юбориш, қабул қилиш ва ташкиллаштириш бўйича топшириқларни бажарадилар.<br>• **Қайта алоқа**: Амалий фаолият давомида юзага келадиган ҳар қандай мавзулар, муаммолар ва саволлар бўйича қайта алоқа. |
| Якуний машқ<br>(15 дақиқа) | • **Якуний сессия**: ўқитувчи дарс вақтида аниқланган асосий бандларни мустаҳкамлаб қўяди ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «С ва Ж» машқидан фойдаланади. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Ахборот технологиялари соҳаси бўйича Гувоҳнома |
| **Модул** | 1-модул: АТ асослари |
| **Дарс рақами** | 4 (2.5 соат) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Дарс охирида ўқувчилар:<br>• электрон почта воситалари, шу жумладан имзоларни;<br>• офисдан ташқарида олинган жавобларни;<br>• жўнатмалар рўйхатидан фойдаланишни ўрганадилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Амалий машғулот учун **МР**;<br>• Амалиётни баҳолаш бўйича материаллар. |
| Калитлар: **МР**: машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: тақдимот слайди; **БМ**: баҳолаш машқлари | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Кириш<br>(15 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** аввалги сессияни умумлаштириш ва ушбу сессиянинг мақсад ва вазифаларини тақдим этиш.<br>• **Ўқувчилар учун машқлар**: аввалги сессия бўйича ва ушбу сессия мақсадлари ҳақида «С ва Ж» машқи. |
| Асосий машқ<br>(120 дақиқа) | • **Ўқитувчи томонидан ишни намойиш этиш**: электрон почта воситаларидан имзолар, офисдан ташқарида жавоблар ва гуруҳ почтаси учун жўнатмалар рўйхатларини яратиш учун қандай фойдаланишни кўрсатиш.<br>• **Амалий вазифа:** ўқувчилар бир қатор қисқа машқлар давомида электрон почта воситаларидан фойдаланиш кўникмаларини қайта ишлайдилар.<br>• **Амалий вазифа:** ўқувчилар A ва B ўқитиш мақсадлари учун баҳолаш бўйича амалий топшириқларни бажаришга ҳаракат қиладилар.<br>• **Қайта алоқа**: Амалий фаолият давомида юзага келадиган ҳар қандай мавзулар, муаммолар ва саволлар бўйича қайта алоқа. |
| Якуний машқ<br>(15 дақиқа) | • **Якуний сессия**: ўқитувчи дарс вақтида аниқланган асосий бандларни мустаҳкамлаб қўяди ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «С ва Ж» машқидан фойдаланади. |




Ўқув-услубий материал – 2-Нашр – Март 2020 © Pearson Education Limited 2020

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Ахборот технологиялари соҳаси бўйича Гувоҳнома |
| **Модул** | 1-модул: АТ асослари |
| **Дарс рақами** | 5 (2.5 соат) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | Ўқувчилар дарс охирида ахборот хавфсизлигини қандай қўллаб-қувватлашни тушунадилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Ахборот хавфсизлиги бўйича **ТС;**<br>• Амалий машғулот учун **МР;**<br>• Гуруҳлардаги машқлар. |
| Калитлар: **МР**: машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: тақдимот слайди; **БМ**: баҳолаш машқлари | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Кириш<br>(15 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** аввалги сессияни умумлаштириш ва ушбу сессиянинг мақсад ва вазифаларини тақдим этиш.<br>• **Ўқувчилар учун машқлар**: аввалги сессия бўйича ва ушбу сессия мақсадлари ҳақида «С ва Ж» машқи. |
| Асосий машқ<br>(120 дақиқа) | • **Ўқитувчи бошчилигидаги тақдимоти:** ахборот хавфсизлиги бўйича презентация, бу нима ва нима учун муҳим.<br>• **Жуфликда бажариладиган/кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар жуфт бўлиб ёки кичик гуруҳларда ишлайдилар ва пароллардан фойдаланиш, захира нусха кўчириш тартиб-таомили ва конфиденциалликни сақлашни ўз ичига олган ахборот хавфсизлиги ҳамда энг яхши амалиёт масалалари бўйича онлайн-тадқиқот ўтказадилар. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича бошқариладиган тамойиллар баён қилинган деворга илинадиган (кўникмаларга қараб қоғозли ёки компьютерда чиқарилган) плакат тайёрланг.<br>• **Қайта алоқа**: ўқувчилар ўзларининг плакатларини синфга тақдим этадилар ва тавсияларнинг тўғри эканлигини муҳокама қиладилар. |
| Якуний машқ<br>(15 дақиқа) | • **Якуний сессия**: ўқитувчи дарс вақтида аниқланган асосий бандларни мустаҳкамлаб қўяди ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «С ва Ж» машқидан фойдаланади. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Ахборот технологиялари соҳаси бўйича Гувоҳнома |
| **Модул** | 1-модул: АТ асослари |
| **Дарс рақами** | 6 (2.5 соат) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | • Дарс охирида ўқувчилар:<br>• тарқалган хавфсизликка таҳдидларни тушунишни;<br>• тарқалган хавфсизликка таҳдидлардан йироқда бўлишни ўрганадилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Хавфсизлик таҳдидлари ҳақида ТС презентацияси;<br>• Гуруҳлардаги **МР**; Хавфсизлик бузилишлари/вирус хужумлари ҳақида батафсил маълумотларни ўз ичига олган веб-сайтлар:<br>  ○ https://blog.avast.com/biggest-data-breaches<br>  ○ https://uk.norton.com/norton-blog/2016/02/the_8_most_famousco.html<br>  ○ https://www.csoonline.com/article/2130877/the-biggest-data-breaches-of-the-21st-century.html<br>  ○ https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_data_breaches |
| Калитлар: **МР**: машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: тақдимот слайди; **БМ**: баҳолаш машқлари | |

| **Машқлар** | **Ўқитувчининг қайдлари** |
|---|---|
| Кириш<br>(15 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** аввалги сессияни умумлаштириш ва ушбу сессиянинг мақсад ва вазифаларини тақдим этиш.<br>• **Ўқувчилар учун машқлар**: аввалги сессия бўйича ва ушбу сессия мақсадлари ҳақида «С ва Ж» машқи. |
| Асосий машқ<br>(120 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** тарқалган хавфсизлик таҳдидлари (зарарли дастурлар, фишинг, ижтимоий инженерия ва ҳ.к.) ва ҳимоя усуллари ҳақида гапириб беринг.<br>• **Жуфликда бажариладиган/кичик гуруҳларда машқлар:** ўқувчилар жуфт бўлиб ёки кичик гуруҳларда ишлайдилар ва яқинда содир бўлган ёки маълум бўлган хавфсизлик бузилишлари, вирус ёки бузиб киришлар мавзусида онлайн-тадқиқотлар ўтказадилар. Ўқувчилар нима содир бўлганлиги ва уни олдини қандай олиш мумкинлиги тўғрисида сўзловчи хавфсизликнинг бузилиши ҳақида қисқа презентация тайёрлайдилар.<br>• **Қайта алоқа**: ўқувчилар ўзлари томонидан ўрганиб чиқилган хавфсизлик масалаларини синфга тақдим этадилар ва уларни олдини олиш усулларини муҳокама қиладилар. |
| Якуний машқ<br>(15 дақиқа) | • **Якуний сессия**: ўқитувчи дарс вақтида аниқланган асосий бандларни мустаҳкамлаб қўяди ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «С ва Ж» машқидан фойдаланади. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Ахборот технологиялари соҳаси бўйича Гувоҳнома |
| **Модул** | 1-модул: АТ асослари |
| **Дарс рақами** | 7 (2.5 соат) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | • Дарс охирида ўқувчилар файл ва папкаларни кўриб чиқишлари ва излашлари мумкин. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Сўров учун саволлар;<br>• Амалий машғулот учун **МР**. |
| Калитлар: **МР**: машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: тақдимот слайди; **БМ**: баҳолаш машқлари | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Кириш<br>(30 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** аввалги сессияни умумлаштириш ва ушбу сессиянинг мақсад ва вазифаларини тақдим этиш.<br>• **Ўқувчилар учун машқлар**: аввалги сессия бўйича ва ушбу сессия мақсадлари ҳақида «С ва Ж» машқи.<br>• **Сўров**: ўқувчилар аввалги мавзулар бўйича сўровдан ўтказилади (С ўқитиш мақсади). Ўқитувчи шарҳ тақдим этиши ва ҳар бир соҳадаги камчиликларни умумлаштириши лозим. |
| Асосий машқ<br>(105 дақиқа) | • **Ўқитувчи томонидан намойиш этиш**: турли хил диск ва папкалар ўртасида қандай ўтишни кўрсатиш, файл/папкаларни турли хил усулларда кўриб чиқиш ва файлларни саралаш ҳамда излаш.<br>• **Амалий вазифа:** ўқувчилар бир қатор қисқа машқлардан фойдаланиб файл ва папкаларни излаш кўникмаларини қайта ишлайдилар.<br>• **Материални мустаҳкамлаш**: ўқувчилар 2 ва 3 топшириқлар учун амалий баҳолаш машқларини якунлайдилар (**А** ўқитиш мақсади). |
| Якуний машқ<br>(15 дақиқа) | • **Якуний сессия**: ўқитувчи дарс вақтида аниқланган асосий бандларни мустаҳкамлаб қўяди ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «С ва Ж» машқидан фойдаланади. |




Ўқув-услубий материал – 2-Нашр – Март 2020 © Pearson Education Limited 2020

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Ахборот технологиялари соҳаси бўйича Гувоҳнома |
| **Модул** | 1-модул: АТ асослари |
| **Дарс рақами** | 8 (2.5 соат) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | • Дарс охирида ўқувчилар файл ва папкаларни тартибга келтириш имкониятига эга бўладилар. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Проектор ёки интерактив доска;<br>• Қайта алоқани таққослаш учун доска ёки флипчарт;<br>• Амалий машғулотлар учун **МР** машқлар;<br>• Баҳолаш учун иш дафтари. |
| Калитлар: **МР**: машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: тақдимот слайди; **БМ**: баҳолаш машқлари | |

| Машқлар | Ўқитувчининг қайдлари |
|---|---|
| Кириш<br>(15 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** аввалги сессияни умумлаштириш ва ушбу сессиянинг мақсад ва вазифаларини тақдим этиш.<br>• **Ўқувчилар учун машқлар**: аввалги сессия бўйича ва ушбу сессия мақсадлари ҳақида «С ва Ж» машқи. |
| Асосий машқ<br>(45 дақиқа) | • **Ўқитувчи томонидан намойиш этиш**: файл ва папкаларни қандай ташкиллаштиришни кўрсатиш. Баҳолаш машқларига тайёргарликда экранни қандай расмга тушириш ва уни ҳужжатга жойлаштиришни намойиш этинг.<br>• **Амалий вазифа:** ўқувчилар бир қатор қисқа машқлардан фойдаланиб, файл ва папкаларни бошқариш кўникмаларини қайта ишлайдилар, шунингдек, экранни расмга тушириб уларни жойлаштирадилар. |
| Баҳолаш машқлари<br>(75 дақиқа) | • **Ёзма топшириқ**: ўқувчилар иш дафтаридан фойдаланиб, 1, 2 ва 3 топшириқни бажаришлари лозим. |
| Якуний машқ<br>(15 дақиқа) | • **Якуний сессия**: ўқитувчи дарс вақтида аниқланган асосий бандларни мустаҳкамлаб қўяди ва ўқитишни мустаҳкамлаш учун «С ва Ж» машқидан фойдаланади. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Ахборот технологиялари соҳаси бўйича Гувоҳнома |
| **Модул** | 1-модул: АТ асослари |
| **Дарс рақами** | 9 (2.5 соат) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | • Дарс охирида ўқувчилар 4-рақамли баҳолаш бўйича топшириқни бажаришлари мумкин. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Интернетга уланган компьютерлар;<br>• Баҳолаш учун иш дафтари. |
| Калитлар: **МР**: машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: тақдимот слайди; **БМ**: баҳолаш машқлари | |

| **Машқлар** | **Ўқитувчининг қайдлари** |
|---|---|
| Кириш<br>(30 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** В ўқитиш мақсадига хулосалар чиқариш (электрон почта).<br>• **Ўқувчилар учун машқлар**: В ўқитиш мақсади бўйича «С ва Ж» машқи |
| Баҳолаш машқлари<br>(110 дақиқа) | • **Ёзма топшириқ**: ўқувчилар иш дафтаридан фойдаланиб, 4 топшириқни бажаришлари лозим. |
| Якуний машқ<br>(10 дақиқа) | • **Якуний сессия**: баҳо шарҳи. Якуний баҳолаш топшириғи ҳақида кейинги дарсда эслатиш. |

# Дарс режаси

| | |
|---|---|
| **Малака** | Pearson BTEC Ўзбекистон 3-даража Ахборот технологиялари соҳаси бўйича Гувоҳнома |
| **Модул** | 1-модул: АТ асослари |
| **Дарс рақами** | 10 (2.5 соат) |

| | |
|---|---|
| **Дарс мақсадлари** | • Дарс охирида ўқувчилар 5 ва 6 баҳолаш топшириқларини бажаришлари мумкин. |

| | |
|---|---|
| **Ресурслар рўйхати** | • Интернетга уланган компьютерлар.<br>• Баҳолаш учун иш дафтари. |
| Калитлар: **МР**: машқлар рўйхати; **ФШ**: Форма шаблони; **ТС**: тақдимот слайди; **БМ**: баҳолаш машқлари | |

| **Машқлар** | **Ўқитувчининг қайдлари** |
|---|---|
| Кириш<br>(30 дақиқа) | • **Ўқитувчи тақдимоти:** C ва D ўқитиш мақсадларини умумлаштириш (электрон почта).<br>• **Ўқувчилар учун машқлар**: B ўқитиш мақсади бўйича «С ва Ж» машқи. |
| Асосий машқ<br>(90 дақиқа) | • **Ёзма топшириқ**: ўқувчилар баҳолаш учун иш дафтаридан фойдаланиб 5 ва 6 топшириқларни бажаришлари лозим. |
| Якуний машқ<br>(30 дақиқа) | • **Якуний сессия**: Модул ҳақида фикрлар, баҳолар шарҳи.<br>• **Ўқувчилар учун машқлар:** Модул ва баҳолаш бўйича «С ва Ж» машқи. |

# 2-модул: Матнларни қайта ишлаш

## Ўқув қўлланма

### Модул билан танишиш

Ушбу бўлимнинг мақсади – ўқувчиларни матн муҳарриридан фойдаланишга ўргатиш.

Ўқувчиларга матн муҳаррирлари ва принтерлардан фойдаланиш имконияти талаб этилади.

**A**, **B** ва **C** ўқитиш мақсадлари учун ушбу Модул ўқитувчи раҳбарлиги остида материални намойиш этиш ва амалий машқлар уйғунлигида тақдим этилиши мумкин. Ўқувчиларга ёмон форматланган ҳужжатларнинг намунасини кўрсатиш, улар муаммоларни аниқлашлари ва бу муаммолар ўқувчиларга қандай таъсир кўрсатишини тушунишлари фойдали. Бу, мисол учун, ташкилотни нопрофессионал томонидан кўрсатиши мумкин.

**D** ўқитиш мақсади бошқа ўқитиш мақсадлари билан бирлашган бўлиши мумкин, чунки ўқувчиларга ҳужжатларни турли форматларда, малаканинг етарли даражада бошланғич босқичларида қандай сақлаш кераклигини билиш фойдали.

Ўқувчилар услуб бўйича қўлланмадан фойда олишлари мумкин (агар ўқувчиларга берилиши мумкин бўлган маълумотларни топа олмасангиз, у ҳолда шахсий маълумотларни ёзишингиз мумкин). Шу тарзда ўқувчилар ҳужжатларни услуб бўйича қўлланмага мослигини текширишда машқ қилишлари мумкин, кейин ушбу қўлланмага мувофиқ ҳужжатларни янгилаши мумкин. Улар шунингдек, услуб бўйича шахсий қўлланмаларини яратишлари мумкин, чунки бу ҳужжатни ўқувчи учун нималар жалб этадиган ва қулай қилиши тўғрисида ўйлаб кўришларига ундайди.

## Модулнинг бошланиши

Сизга модулни ўрганишнинг битта усули учун бошланғич нуқта берилади. У спецификацияда келтирилган, тавсия этилган баҳолашга нисбатан ёндашувга асосланган.

| **2-модул: Матнларни қайта ишлаш** |
|---|
| **Кириш**<br>Ушбу модулда ўқувчилар ҳужжатларни яратиш ва форматлаш, жадвал ва тасвирларни қўйиш ва таҳрирлаш ҳамда шарҳ ва ўзгаришларни кузатиш каби ўзаро ҳамкор функцияларидан фойдаланиш бўйича амалиётни ўтайдилар. |
| **А ўқитиш мақсади – Матнга ишлов берувчи дастурий таъминот ёрдамида ҳужжатлар яратиш** |
| • Ушбу ўқитиш мақсадига эришиш учун зарур кўникмалар намойиш этилиши ва амалиётда қўлланилиши лозим. Амалиётни назорат қилиш зарур, лекин ўқувчилар олган кўникмаларини қўллашга ўзида тўлиқ ишонч ҳосил қилишлари учун амалий машқларни бир нечта машғулотлар давомида такрорлашлари керак. Ўқувчиларнинг матндан параграфларга ва ҳужжатларга қандай ўтишига қараб кўникмалар мураккаблашади. Ўқувчилар битта ҳужжат устида бир сессиядан иккинчисига ўтгунга қадар улардан ўзларининг кўникмаларини қайта ишлаш учун фойдаланиб ишлашлари мумкин бўлади. |
| **В ўқитиш мақсади – Ҳужжатларга расмлар ва жадвалларни жойлаштириш ва форматлаш** |
| • Ушбу ўқитиш мақсадига эришиш учун зарур кўникмалар намойиш этилиши ва амалиётда қўлланилиши лозим. Ушбу ўқитиш мақсади учун маълумотлар ва тасвирлар ўқитувчи томонидан олдиндан олинган бўлиши, ёки ўқувчилар уларни ўзлари, масалан, Интернетда топишлари мумкин. |

| **С ўқитиш мақсади – Матнларга ишлов берувчи дастурий таъминот ёрдамида ҳужжатларни кўриш** |
|---|
| • Ушбу ўқитиш мақсадига эришиш учун жуфт бўлиб ёки гуруҳларда, масалан, ўқувчилар бир-бирларининг ишларини текширганларида ва бир-бирларига шарҳли ва ўзгаришларни кузатиш функциясига эга ҳужжатларни юборганларида ишлаш фойдали. |
| **D ўқитиш мақсади – Файлларни бошқариш ва ҳужжатларга киришни назорат қилиш** |
| • Ҳужжатларни сақлаш, ушбу бўлимни ўқитишнинг бошланғич босқичида, ўқувчилар ўзларининг ишларини биринчи сессиядан бошлаб кейингиларини ҳам сақлашлари учун амалга оширилган бўлиши лозим.<br>• «Кириш назорати» қисмида жуфт бўлиб ишлаш фойдали: ўқувчилар бир-бирларига «Фақат ўқиш учун» (Только для чтения) ва парол билан ҳимояланган каби ҳужжатларни юборишлари мумкин. |

## BTECнинг бошқа модуллари ва малакаларига ҳаволалар

Ушбу Модулнинг бошқа модулларга мазкур малака бўйича ҳаволалари мавжуд:

- 1-модул: AT асослари.
- 3-модул: Электрон жадваллар.
- 4-модул: Тақдимот дастурий таъминоти.

## Ресурслар

**Веб-сайтлар**

https://support.office.com/ru-ru/word?omkt=ru-RU

Wordни қўллаб-қувватлаш расмий сайти.

https://www.word-tips.com/

Wordдан фойдаланиш бўйича ёрдам ва маслаҳатларни ўз ичига олган веб-сайт.

